O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

№ 14
2020-yil, 10-mart
Seshanba (32.608)

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

*Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!*

# РОССИЯ ВА ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Кейинги йилларда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари муттасил ортиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, 2019 йил якунларига кўра Россия билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилгига нисбатан 17 фоизга ортиб, 6,6 миллиард долларни ташкил этди, Озарбайжон билан икки томонлама савдо ҳажми эса 55,7 фоизга ошди.

Инвестициявий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида 484 та янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сони умумий ҳисобда 1 минг 828 тага етди. Бугунги кунда мамлакатимизда Озарбайжон капитали иштирокида ташкил этилган 178 та корхона фаолият юритмоқда.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан қўшма лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда инвестиция, савдо ва транспорт-логистика соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Россия Федерацияси билан бўлажак икки томонлама тадбирлар муҳокама қилинди. Хусусан, россиялик шериклар билан 3,5 мингта иш ўрни яратиш имконини берадиган қиймати 7,3 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Озарбайжонлик ҳамкорлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш доирасида умумий қиймати 355 миллион доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани таъкидланди. Жумладан, енгил автомобиль ва автобуслар йиғишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Нефть-газ соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ушбу тадбирларни мазмунан бойитиш зарурлиги алоҳида қайд этилди, ишни самарали ташкил қилиш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Жорий ойда Озарбайжон ва Россия билан қатор икки томонлама тадбирлар режалаштирилган. Хусусан, 16-17 март кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилиши, март ойининг учинчи ўн кунлигида эса Россия Федерацияси билан шундай тадбир ўтказиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Россия ва Озарбайжоннинг етакчи компания ва ташкилотлари билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, шерикликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, саноат, шу жумладан, агросаноат, транспорт ва логистика, таълим ва инновациялар Россия билан ҳамкорликнинг янги устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Озарбайжон билан аграр саноат, узумчилик ва виночилик, заргарлик, нефть ва газ, транспорт ва логистика, таълим соҳаларида қўшимча янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан алоқадор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯНИНГ «РЕНЕССАНС ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Туркиянинг етакчи инжиниринг ва қурилиш компанияси – «Ренессанс Холдинг» президенти Эрман Илижак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Ушбу учрашув ўтган ой Анқарада ўтказилган олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия музокараларининг мантиқий давоми бўлди.

Бугунги кунда "Ренессанс Холдинг" компанияси мамлакатимизда умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятининг етакчи металлургия корхоналари негизида замонавий объектлар – лойиҳавий қуввати йилига 60 миллион тонна бўлган мис бойитиш фабрикаси ва қуввати 1 миллион тоннагача бўлган металл прокати ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этиш лойиҳалари тайёрланмоқда.

Учрашувда ушбу лойиҳалар доирасидаги амалий ишларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Туркия компаниясининг дастлабки босқичда Тошкент шаҳрида, кейинги босқичларда Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида илғор халқаро тажриба ҳамда технологияларни жалб қилган ҳолда кўп тармоқли шифохоналар ташкил этиш борасидаги лойиҳавий таклифлари тақдимоти ўтказилди.

Мазкур лойиҳалар давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилади, шунингдек, туркиялик ҳамкорлар шифохоналарни бошқариш ва юқори малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда иштирок этади.

Бундан ташқари, муҳим ижтимоий объектларни реконструкция қилишда, инжиниринг, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳаларида ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

**ЎзА**

***Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.***

# Аёл бўлиш шараф, ўзбек аёли бўлиш янада шараф!



Тўғриси, ҳеч қачон бунчалик ҳаяжонланмаганман ва ҳеч қачон ўзимни бунчалик бахтли ҳис этмаганман.

Тантанали маросимда Президентимизнинг биз, аёлларни, оналарни эъзозлаб айтган сўзлари юрагимни титратди, ғуруримни оширди. Бунинг устига, давлатимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилганим ва бу мукофотни Президентимиздан олганимдан қувончим чексиз. Ҳаётимдаги бу тарихий воқеанинг шарафи ва масъулиятини ҳам яхши англаб турибман.

Қувонган, ғурурланган биргина мен эмас, албатта. Мамлакатимизда биз, аёлларга кўрсатилаётган меҳр ва эътиборни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган беқиёс ишлар аёлларимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Фикримиз тасдиғи сифатида, айни пайтда юртимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи хотин-қизлар эканини эслаш кифоя. Бугун турли соҳаларда жами 1 388 нафар аёл раҳбар борлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ўз навбатида кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Эътироф этиш керакки, кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўланиши белгилаб қўйилди. Демак, 2020 йил ҳам минглаб опа-сингилларимиз ҳаётида ўчмас из қолдиради. Бинобарин, йил давомида 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилиши кўзда тутилди.

Давлатимиз раҳбарининг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи ҳам бутун маъно-мазмуни билан юртимиз аёлларини эъзозлашга, қадрлашга қаратилди.

Президентимиз жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарурлигини таъкидлади. Бу эса ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлиб қолган, аммо ўз ғояси ва ташаббусига эга аёллар ҳаёти фаровонлиги ошишида яна бир муҳим йўналиш бўлади. 2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига бериладиган 100 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли кредит яна минглаб қизлар ва аёллар учун янги иш ўринлари яратишга замин бўлади.

Президентимиз Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етгани, мамлакатимиз парламенти аёл депутатлари сони бўйича дунёдаги 190 миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилганлигини алоҳида ғурур билан таъкидлаб ўтди.

Айни пайтда эса, кенг жамоатчиликнинг эътиборидаги яна масала — қатор туманларда аёллар ҳоким сифатида иш бошлаётганидир. Албатта, тарихда бўлмаган бундай эволюцион ўзгаришга муносабат турлича бўлиши табиий. Аммо барча соҳаларда етукликка эришиб келаётган опа-сингилларимиз бу борада ҳам чинакам тўмарислар авлоди эканини амалда намойиш қилишади. Буюк бобокалонимиз Амир Темур бир неча йиллик сафарларда бўлган пайтларида салтанат барқарорлигини таъминлашга Бибихонимнинг қўшган ҳиссасини эсласак, фикримиз янада асосланади.

Бугун биз парламент зиммасида қандай масъулиятли вазифалар турганини янада чуқурроқ англаб турибмиз. Бу ишларда ўз сўзимиз ва мавқеимиз бўлади, албатта.

**Зулайҳо АКРОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби.**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

# ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, жумладан, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» АЖ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2020 йил ҳосилидан бошлаб **пахта хомашёсини етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

*Давоми 2-бетда.* ▶

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

# ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ, ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШГА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, хусусан давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиётини бекор қилиш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва манфаатдорликни таъминлашга қаратилган қулай агробизнес муҳитини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АК ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерлари билан «Ўздонмаҳсулот» АК тизимидаги корхоналар ўртасида 2020 йил ҳосилидан давлат харидлари доирасида тузилган контрактация шартномалари миқдорини ҳар бир ғалла етиштирувчи учун **25 фоизга** камайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) томонидан давлат харидлари доирасида **2 265 минг тонна** буғдой (уруғлик дон учун амалдаги устама тўлаш тартибини сақлаб қолган ҳолда) ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинсин.

*Давоми 2-бетда.* ▶

# Ҳар бир оила, ҳар бир она бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли...

Халқимиз азалдан она зотига, хотин-қизлар шаънига доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келган. **Аёлга бўлган ҳурмат – бу аввало оилага, жамият келажагига бўлган эътибор ифодаси ҳамдир.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, **«Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади"**, деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Бугунги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ҳуқуқларининг ҳимоясига, уларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Президентимиз аёлларни байрам билан табриклаб, аёл зотига, унинг оиладаги, жамиятдаги ўрни, фарзандлар, яъни келажак тарбиясидаги иштирокига юксак баҳо берди.

Мазкур табрик юрт раҳбарининг мамлакат аёлларига нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтироми намунаси бўлди, дея оламиз.

Суюкли қизларимизни таърифлаб Муҳаммад Юсуфдан келтирилган сатрлар кўнгилларимизнинг туб-тубига етиб борди:

**Қиз бор уйнинг файзи бўлак,**
**дейдилар,**
**Жаннат йўли – қиз бор йўлак,**
**дейдилар.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатига жаҳон ҳамжамияти, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

Барчамизни руҳлантириб, янги куч-қувват бағишлайдиган бундай ижобий ўзгаришларга, авваламбор, юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга қаратилган салмоқли ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги жамиятда аёл мавқеи меҳрибон она ва уй бекаси доирасидан ташқарига чиқиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг фаол иштирокчисига айланди. Жамиятда аёлнинг ўрни жуда муҳим ва фахрлидир. Чунки аёл ўзининг қалб меҳри билан эркакларнинг чексиз қудратини ижобий йўналишга буриш хусусиятига эга.

Агар биз аёл мавқеини кўтарсак, унинг жамиятдаги имкониятларини кенгайтирсак, бугунги кўплаб муаммоларимиз ҳал бўлади. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва гуманитар соҳаларда ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ҳар бир она ўз фарзандларининг фаровон, ривожланган, ўз иқтидорини тўлиқ намоён этиш учун имкониятлар яратилган жамиятда яшашини истайди.

Президентимиз табригида ана шу ниятга етиш йўллари ва бу жараёнда аёллар иштироки ва масъулияти аниқ кўрсатиб берилди.

Халқ демократик партияси ўз принципларига содиқ қолган ҳолда ҳар бир оила, ҳар бир аёл бахтли ҳаёт кечириши учун барча жабҳаларда Давлат дастури ва Президент кўрсатмалари асосида сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришни мақсад қилган.

Биз, депутат аёллар халқимиз ишончини қозониб шундай улуғ, масъулиятли ишга киришар эканмиз, албатта фарзандларимиз, оилаларимиз, Ватанимиз фаровонлигини таъминлаш, жаҳон майдонида унинг ҳар соҳада муносиб ўрин эгаллаши учун бор куч-ғайратимиз, билимимизни сарфлаймиз.

**Мақсуда ВОРИСОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

**Пахтачилик ва ғаллачиликда бозор тамойиллари жорий этилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ Давоми, боши 1-бетда.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил ҳосилидан бошлаб:

**пахта хомашёсининг харид нархини белгилаш** амалиётидан воз кечилади;

пахта хомашёсини етиштирувчилар (фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар)га районлаштирилган **ғўза навларини эркин жойлаштириш** ҳуқуқи берилади;

пахта хомашёси етиштирувчиларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида **сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими** (шу жумладан, уруғлик пахта учун амалдаги устама тўлаш тартиби) сақлаб қолинади ҳамда босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари зиммасига юклатилади;

б) пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари негизида фермер хўжаликларининг ихтиёрий кооперациялари ташкил этилади.

Қуйидагилар **кооперациянинг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

кооперация аъзолари билан шартномалар тузиш орқали пахта хомашёси етиштириш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кооперация аъзолари томонидан пахта хомашёси етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, пахта тозалаш заводларидан биргаликда фойдаланишни ташкил этиш;

кооперация ва уларнинг аъзолари ўртасида имзоланадиган шартнома асосида кооперация аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, уруғлик, шунингдек, кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

пахта хомашёсини тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тегирмон усулида қайта ишлашни шартномаларга асосан амалга ошириш ва воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни ташкиллаштириш;

кооперация аъзоларига агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

кооперация билан ҳамкорлик қилиш учун экспорт қилувчиларни жалб этиш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

кооперация аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотларни биржада ёки биржада шаклланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерларига белгиланган имтиёзлар пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар учун ҳам татбиқ этилади;

в) республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси учун биржада бошланғич нарх шаклланишида амалда қўлланилаётган **10 фоиз** миқдоридаги чегирма бекор қилинади;

г) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ўз вақтида маҳаллий шароитга мос сифатли уруғлик билан таъминлаш, тегишли тартибда ишлов берилмаган уруғлик орқали касалликлар тарқалишининг олдини олиш, пахта хомашёси ҳосилдорлигини изчил ошириб бориш мақсадида 2020 йил ҳосили учун уруғлик чигит «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги уруғчилик цехлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етказиб берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминласин.

4. 2020 йил 15 мартдан бошлаб:

а) фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари томонидан пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан 12 ой муддатгача етиштириладиган пахта хомашёси умумий қийматининг **50 фоизигача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **8 фоиз, 60 фоизигача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **10 фоиз** ставкадан (шундан банк маржаси **2 фоиз**) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бунда:

фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбирлардан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларининг пахта хомашёси етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнаклаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштирган пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларга тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда:

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, лекин **10 фоиз** пунктидан кўп бўлмаган қисмини;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизигача**, лекин **3 фоиз** пунктидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади;

в) пахта хомашёсини ўзи етиштирадиган ва қайта ишлайдиган пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 12 ойдан сўнг ҳар ойда тенг миқдорларда қайтариш шарти билан 12 ой муддатгача бўлган тижорат кредитларига қайта расмийлаштирилади;

г) 2021 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёси етиштириш учун кредит олиш фермер хўжаликлари томонидан мустақил равишда аниқланади (ер майдони тўлиқ пахта-тўқимачилик кластерига берилган ҳудудлар бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

пахта хомашёси ва донни харид қилиш учун жалб этиладиган тижорат кредитлари фоизининг бир қисмини қоплаб бериш учун республика бюджетидан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига, эҳтиёжга қараб, **700 миллиард сўмгача маблағ** ажратсин;

пахта хомашёси ва ғаллани сотиб олишни кредит ресурслари билан таъминлашда тижорат банкларида маблағларга эҳтиёж туғилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен ва корпоратив халқаро облигацияларни чиқариш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тижорат банкларини зарур маблағлар билан таъминласин;

икки ой муддатда пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш механизмларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

пахтачилик соҳасида кластер тизимини самарали ташкил этиш мақсадида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни;

пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган республика ҳудудларида фермер хўжаликларининг ихтиёрий равишда бирлашиши асосида пахта тозалаш корхоналари негизида пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар ташкил этишни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

«Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш бўйича "йўл харитаси"ни тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази билан биргаликда қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида дарёлар ва республика ҳудудларида кутилаётган ва мавжуд сув ресурси, метеорологик, гидрологик ва агрометеорологик маълумотларни «on-line» режимида олиш имконини берувчи махсус электрон саҳифа ташкил этсин ҳамда доимий фаолиятини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пахта толасини импорт қилиш бўйича чекловлар ўрнатилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «2020 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги 985-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошиси, шунингдек, қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ, ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШГА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ Давоми, боши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 10 майга қадар жаҳон бозори ва минтақавий биржа нархлари ҳамда республикада кутилаётган ҳосилни инобатга олиб, дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун 2020 йилда харид қилинадиган ғалла нархларини белгиласин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) **2020 йил ҳосилидан бошлаб:**

**давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш** амалиёти босқичма-босқич **бекор қилинади;**

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун давлат томонидан харид қилинадиган буғдой мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналарнинг донни сақлаш талабларига мос келадиган омборлар (сиғимлар)ида шартнома асосида сақланади;

б) **2021 йил ҳосилидан бошлаб:**

давлат томонидан ғаллага **харид нархини белгилаш** амалиётидан тўлиқ воз кечилади;

**давлат хариди тўлиқ бекор қилинади** ҳамда фермерлар ва бошқа корхоналар томонидан етиштириладиган ғалла барча истеъмолчиларга,

шу жумладан, донни қайта ишловчи корхоналар, ғаллачилик кластерлари ва трейдерларга биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар (фьючерс, форвард ва бошқалар) асосида эркин нархларда сотилади;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур миқдордаги дон Жамғарма томонидан фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилинади;

дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинади ҳамда 2021-2023 йилларда уруғлик етказиб бериш босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ва элита уруғчилик хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари зиммасига юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда жаҳон бозори, минтақавий биржалар нархларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар йили 1 августга қадар келгуси йил ғалла ҳосили учун кутилаётган минимал нархларни эълон қилсин ҳамда бозорлардаги нархлардан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритиб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилишини таъминласин.

4. Республика ички бозорида дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш Жамғарма зиммасига юклатилади.

Ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун Жамғарма томонидан харид қилинадиган дон Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда, Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган ойлик график асосида Жамғарма томонидан биржа савдоларида сотувга қўйилади.

5. Дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур миқдордаги буғдойни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (сотиб олиш, ташиш, сақлаш), харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган тафовут (ижобий, салбий) Жамғарма молиявий фаолияти якунларига олиб борилади ҳамда зарур ҳолатларда юзага келган салбий тафовут Жамғармага республика бюджетидан қоплаб берилади.

6. 2020 йил 1 июндан бошлаб:

а) фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан **12 ой муддатгача** ғалла ялпи ҳосили умумий қийматининг **40 фоизигача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **10 фоиз, 50 фоизигача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **12 фоиз** ставкадан (шундан банк маржаси **2 фоиз**) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бунда:

фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбирларни ўтказиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кредит маблағларидан **эркин фойдаланади** ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

ғаллачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларининг ғалла етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнаклаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

ғалла етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат донни қайта ишловчи корхоналар ҳамда донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ғаллачилик кластерлари томонидан республикада етиштирилган ғаллани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан **12 ой муддатгача 50 миллиард сўмгача** миқдорда тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда:

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, лекин **10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига;**

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизигача**, лекин **3 фоиз пунктидан кўп бўлмаган** миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

ғаллани харид қилиш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўздонмаҳсулот» АК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда дон сақлаш сиғимларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда, 2020 йил ҳосилидан бошлаб етиштириладиган бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш бўйича хизмат тарифларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, «Ўздонмаҳсулот» АК, Жамғарма, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йилда, 1 апрелга қадар келгуси йилларда ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун сотиб олинадиган ғалланинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотини ва ушбу ғаллани сақлашга талабгор корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги рўйхатини шакллантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси дон сақланаётган корхоналарда унинг сифати ва миқдори бўйича тўғри сақланиши юзасидан ойлик назорат ўрнатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари билан биргаликда ғаллачилик кластерлари ва донни қайта ишловчи корхоналарга республикада етиштирилган донни харид қилиш учун мазкур қарорда белгиланган кредит ажратиш механизми бўйича ўқув-семинарларини ташкил этсин ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 майга қадар:

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган ғалла ҳажмини ҳудудлар кесимида аниқлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда ғаллани сақлаш тартибларини тасдиқласин;

«Ўздонмаҳсулот» АК тизимига кирувчи дон корхоналарини 2020-2021 йилларда белгиланган тартибда босқичма-босқич хусусий секторга сотиш чора-тадбирларини белгиласин.

12. Қуйидагилар:

Ғалла етиштиришга давлат буюртмаси босқичма-босқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Республика кенгашига (А.Арипов) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

ғалла етиштиришга давлат буюртмаси босқичма-босқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ижросини ўз вақтида таъминлаш;

2021 йил ҳосилидан бошлаб дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган буғдой ҳажмини белгилаш;

ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ғалла экин майдонларини навлар бўйича жойлаштириш;

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинган ғаллани сақловчи корхоналар рўйхатини шакллантириш;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган барча масалаларни ҳал этиб бориш.

14. **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.Барноев:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифларига асосан «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда календарь йилнинг 1 майига қадар талабгор корхоналарнинг дон сақлаш сиғимлари хатловдан ўтказилишини ва уларнинг амалдаги талабларга мослиги тўғрисида хулоса берилишини, ижобий хулоса берилган корхоналарнинг лабораториялари ва тарозиларини хатловдан ўтказилишини, тегишли рухсатномалар берилишини, дон сақлашга рухсат этилган корхоналар рўйхати тасдиқланишини ҳамда уларнинг дон сақлаш қувватларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб боришни таъминласин;

қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев, сув хўжалиги вазири Ш.Ҳамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда белгиланган тартибда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ғалла етиштиришга замонавий ҳамда энергия ва ресурстежамкор технологияларнинг жорий этилишини, фермер хўжаликларини сув билан таъминлаш ҳамда комплекс агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 6 март

*Депутатлар Жиноят-ижроия кодексининг инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили асосида такомиллаштирилаётганини қўллаб-қувватлади.*

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ

## *ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ*



**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари**

Мамлакат даражасида аҳамиятга эга ҳар қандай ҳужжат халқ билан бамаслаҳат қабул қилинса, унинг ҳаётийлиги таъминланади, инсон манфаатларига хизмат қиладиган, одамларга фойдаси тегадиган ғоялар амалга ошади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури шу маънода халқимиз учун ҳам, давлатимиз учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аввало ушбу дастур лойиҳаси жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама этилгани, билдирилган таклиф-тавсиялар (улар 3 мингга яқин) мутахассислар ва экспертлар иштирокида чуқур таҳлил қилингани, бунинг натижасида Давлат дастури лойиҳасига юзга яқин концептуал ва таҳририй ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини таъкидлаш зарур. Давлат дастурининг бу тарзда таклиф-мулоҳазалар учун очиқ бўлиши, фикрлар ҳисобга олиниши халқ фикрининг қадри, ҳурмати ошаётганидан долалат беради, деб ўйлайман. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар ижтимоий муҳим дастурларни қабул қилишда очиқлик, ошкоралик тамойилига риоя этишни Давлат дастури қабул қилиниши жараёнидан ўрганиши, ўрнак олиши керак, албатта.

**Дастурда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш бўйича долзарб вазифалар кўзда тутилган. Бунинг замирида чуқур маъно мужассам. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги ислоҳотлар изчил давом этиши, давлат идоралари халқимизга хизмат қилишини амалда таъминлаш, эскидан қолган бюрократик ғовларни бутунлай бартараф этиш жараёни тўхтаб қолмаслигига қатъий ишора бор.**

**Дастурда нафақат ҳукумат, айни пайтда парламентни халққа яқинлаштириш, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар қабул қилиш ва уларнинг ижроси истисноларсиз таъминланишига эришиш бўйича вазифалар белгиланди.** Хусусан, бу йилдан **Олий Мажлис палаталари фаолиятида** фуқаролар мурожаатлари асосида **парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, «Электрон парламент» тизими** жорий этиш, қуйи палатада **йил якуни бўйича қабул қилинган қонунлар халқимиз томонидан қандай баҳолангани ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш амалиёти жорий этилади.**

Бу йилги Давлат дастури йиллар давомида сақланиб келаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Айниқса, Халқ демократик партияси учун принципиал масалаларда узоқ кутилган янгилик ва ўзгаришлар бўйича вазифалар ҳам белгиланди. Айрим йўналишлар партиямиз Сайловолди дастуридаги таклиф-ташаббуслар билан уйғун экани партиямиз, барча даражадаги депутатлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Албатта, Давлат дастурида халқимиз турмуш сифатини ошириш мақсадида кўплаб вазифалар белгиланди, уларнинг ҳаммаси муҳим. Партиямиз дастурий йўналишларидан келиб чиқиб, айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз жоиз.

Хусусан, ҳудудларда олий таълимнинг талаб юқори бўлган йўналишларида ўқитишнинг йўлга қўйилиши, жойларда Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари очилиши, Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилиши, ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этилиши, «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказлари очилиши, уларда, аввало, ишсизлар, камбағал оилалар аъзоларининг ўқитилиши ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муҳит яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Сир эмас, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайди. Уларнинг турмуш сифати ва иқтисодий фаоллиги ошиши бутун мамлакат равнақида ҳал этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Дунёда ҳеч бир давлат йўқки, аҳоли муайян қисмининг камбағаллиги, жамиятда фаол эмаслиги билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаган бўлса. Мамлакатимиздаги тарихий-ижтимоий шароитда камбағаллик муаммосига турли сабаблар таъсирини ўтказиб келган. Бу ҳақда чуқур

HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

ва узоқ гапириш мумкин. Лекин ҳақиқат ва факт шуки, халқимиз ҳеч қачон меҳнатдан қочмайди, дангасалик қилиб, ҳаётини яхшилаш масаласига бефарқ қарамайди. Фақат маълум юртдошларимизга илм, ҳунар ва кўникма масалаларида озгина кўмак, мадад зарур.

Давлат дастурида ҳукуматга, вазирлик ва идораларга касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чораларини кўриш вазифаси қўйилди. Аҳамиятлиси, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ўқиши учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратилади.

Давлатимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим даври бошланяпти. Бу йил Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга **Камбағалликни қисқартириш дастури** ишлаб чиқилади. Бу дастур миллионлаб ватандошларимизнинг ҳаётини ўзгариш, ўсиш йўлига олиб чиқишда тарихий аҳамият касб этиши кутиляпти. Халқ демократик партияси дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мезонлар аниқлиги, ҳуқуқлар ҳамда имкониятлар тенглиги тамойилларидан келиб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Чунки бу дастур ҳақиқатда одамларга ёрдам бериши, мадад бўлиши керак.

Партиямиз аҳоли турмуш сифатини ошириш, давлатнинг халқимиз олдидаги масъулиятини кучайтириш, «халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун», деган эзгу ғояни самарали рўёбга чиқариш йўлидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди, уларни амалга ошириш жараёнида ўз таклифлари, танқидий-таҳлилий фикрлари билан фаол иштирок этади. Давлат дастурида белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилдими, ижро ҳокимияти томонидан жойларда сусткашликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилмадими, деган саволлар асосида қатъий парламент ва депутатлик назоратини амалга оширади.

# Эътибор, эътироф аёлни руҳлантиради, янгидан-янги марраларга ундайди



**Мавжуда ҲАСАНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.**

Ростини айтсам, давлат раҳбари иштирок этган байрамда илк бор қатнашдим. Ўтган йилларда бундай кенг миқёсдаги тадбирларни ОАВ орқали кўриб, қизиқиб кузатардим. Таъкидлаш кераккки, бу йилги байрам ўзгача руҳда, ўзгача кайфиятда ўтди. Атроф гулга бурканган, аёл зотига берилган таърифлардан дилинг энтикади, кўнгил тоғдек кўтарилади. Ўйлайманки, ўша кезда бу каби ҳислар фақат менинг қалбимдан ўтмади, балки барча опа-сингилларимиз шундай давлатда яшаётганларига шукрона айтган бўлсалар ажаб эмас.

Президентимизнинг табрик сўзини чуқур мушоҳада билан эшитиб, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар анча эканини ҳис этдим. Байрам иштирокчилари ҳам нутқда келтирилган фикр-мулоҳазалардан сўнг ўз фаолиятларига танқидий қараб, келгуси ишларини режалаштирганларига аминман.

Эътибор берганмисиз? Давлатимиз раҳбари қай ҳудудда, қай даврада бўлмасин, янги ғоя, янги ташаббус билан чиқади. Бу галги маъруза ҳам бундан холи бўлмади. Кейинги йилда Халқаро хотин-қизлар байрамида ҳар бир вилоятдан 2 нафардан хотин-қизларга давлат мукофоти берилиши таъкидлаб ўтилди. Мукофот айнан маҳаллаларда 10-15 нафар қизларни ҳар томонлама салоҳиятли қилиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшган кайвони, ташкилотчи онахонларга берилиши айтилди.

Чуқур ўйлаб кўрсак, давлатимиз раҳбари нега айнан мана шу ташаббусни илгари сурганини англаймиз. Сабаб битта. Хотин-қизларни жамиятда янада фаол бўлишга ундаш. Шу билан бирга маҳаллалардаги истеъдодли, иқтидорли қизларимизни ўз йўлини топишига, уларнинг қобилиятларини юзага чиқаришга эришишдир.

Президентимиз ўз нутқида янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигидан жуда катта натижалар кутаётганини қайд этди. Мен олти йилга яқин туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида фаолият олиб борганман. Ҳақиқатни тан олиш керак, жамоат ташкилотларининг аксарияти тарқоқ ва ишининг натижасини кўрсата олмасди. Уларнинг бошини қовуштириб, яхлит тизим шаклига келтирилиши, вазифаларнинг аниқ белгилаб берилиши, албатта ўз натижасини кўрсатмасдан қолмайди, деб ишонаман.

Президентимиз буюк инсонлар ортида уларнинг оналари ва жасур рафиқалари, сингиллари туришини эътироф этди. Ўтган йили 8-март байрамида бу оламни тарк этган шоир ва ёзувчиларимизнинг рафиқаларига давлат мукофоти берилган бўлса, бу галги байрамда айнан спортчи, санъаткор йигитларимизнинг оналарига давлат мукофотини шахсан Президентимиз ўз қўли билан топширди.

Мукофотланганлар орасида бокс бўйича сурхондарёлик жаҳон чемпиони Баҳодир Жалоловнинг онаси ҳам борлигидан қувондим. Буни кўрган ҳар бир аёл, она борки, фарзандларининг тарбиясига жиддий эътибор қаратади. Ўз келажагига, Ватан тақдирига бефарқ бўлмайди.

Бундан ташқари, ҳаж сафарига йиққан маблағини кам таъминланган оилаларга улашган аёл, уйида кутубхона очган сирдарёлик ўқитувчининг мукофотланиши бошқаларнинг ҳам шундай меҳроқибатли, ташаббускор бўлишига сабаб бўлади.

Байрамдан қайтар эканмиз, барча аёллар ўзида йўқ хурсанд, янгидан шижоатга тўлган. Муҳими, давлат раҳбари хотин-қизларга ишонмоқда. Фракциямиз аъзоси Зулайҳо Акрамованинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланганы ҳам депутат аёлларимизни руҳлантирди.

Давлат раҳбари бетоб бўлган Ўзбекистон қаҳрамони Лола Муродованинг соғлигини телефон орқали сўраши, Сенат раисининг ўзи уни бориб, кўриши ўзбекистонлик аёлларга кўрсатилаётган меҳрибонлик ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси, деб биламан.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

# Фракция аъзолари

## *қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берди*



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси бир қатор муҳим қонун лойиҳаларини муҳокама қилди.***

Дастлаб, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўрилди. Унинг зарурати нимада? Аввало, ўтган йилнинг 14 январида қабул қилинган «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган маҳкумнинг ҳаёти, соғлиғига тажовуз таҳдиди пайдо бўлганда хавфсизлик чоралари Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилмаган. Бу инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлиги устуворлиги тамойилига тўғри келмайди. Ундан кейин жазони ижро этиш тизимида шахсни ахлоқан тузатиш ва жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлаш нуқтаи назаридан Жиноят-ижроия кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келган. Учинчидан, вояга етмаган маҳкумларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашишга бўлган ҳуқуқига нисбатан чекловларни бекор қилиш масаласи ҳал этилиши керак.

Фракция аъзолари юқоридаги жиҳатларни ҳисобга олиб, қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилди.

— Лойиҳада маҳкумларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, тинтув жараёнида жисмоний куч ва махсус воситалар асоссиз қўлланилишига йўл қўймаслик, маҳкумларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича принципиал ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани муҳим аҳамиятга эга, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шербек Бўронов. — Бу борадаги янги меъёрлар маҳкумларнинг ҳуқуқий ва ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Депутатлар Жиноят-ижроия кодексининг инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили асосида такомиллаштирилаётганини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, тизимга жорий этиладиган янгиликларнинг рўёбга чиқиши, кодексда белгиланган қоидалар амалда тўғридан-тўғри ишлаши бўйича тегишли тартибда депутатлик ва парламент назоратини самарали йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Фракция йиғилишида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун (янги таҳрири) лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Мамлакатимиз иқтисодиётига, молиявий фаолиятига бозор иқтисодиёти шаффоф қонун-қоидалари фаол жорий этилаётгани бу соҳани ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этяпти.

— Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг 1 апрель ҳолатига Ўзбекистонда 98 аудиторлик ташкилоти фаолият юритяпти, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилором Имомова. – Аудиторлар сони 600 нафарга яқин. 17 та маҳаллий аудиторлик ташкилоти йирик халқаро тармоқ ва ассоциацияларнинг яъзолари ҳисобланади. Республикамизда «катта тўртлик» халқаро аудиторлик компанияларининг шўъба жамиятлари фаолият олиб боряпти.

Лекин соҳага оид амалдаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳозирги талабларга жавоб бермай қолган. Хусусан, эскирган ва ҳавола меъёрларни қайта кўриб чиқиш, уларнинг ўрнига тўғридан-тўғри амал қиладиган янги нормаларни жорий қилиш зарурати юзага келган. Қонун лойиҳаси аввало ана шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг 1 январидан эътиборан аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириши, мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати натижалари Молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилиниши, активларнинг баланс қиймати, тушумлар ҳажми ва ходимлар сонига қараб тижорат ташкилотлари ҳам ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим.

Асословчи ҳужжатларга кўра, қонун лойиҳаси қабул қилиниши давлат органларининг аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлигини кенгайтиришга, аудитнинг халқаро стандартлари асосида мустақил аудит ўтказиш амалиётини татбиқ этишга, аудиторлик ташкилотларининг хизматлари сифати ва рақобатбардошлигини оширишга, соҳада қонуности ҳужжатларнинг қисқаришига шароит яратади.

Фракция аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳолда қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ҳам кўриб чиқди.

Таъкидланишича, амалдаги «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонун 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, долзарб масалалар тизимли ҳал этилишига асос бўла олмайди. Республикамизда шу вақтгача маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича босқичма-босқич қарор кабул қилиш тартиби мавжуд эмас.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вазифаларини аниқ белгилаб бериш, тўғридан-тўғри амал қилувчи меъёрларга алоҳида эътибор қаратиш бўйича танқидий фикрлар билдириб, таклифларини берди. Шу билан бирга, парламентга маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига оид ҳужжатлар таркибини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида бошқа қонун лойиҳалари ҳам танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ахборот хизмати.**

# ҚАШҚАДАРЁЛИК ДЕПУТАТЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги депутатларимиз ташаббуси билан аҳолининг алоҳида тоифаларига ажратиладиган дори-дармон, протез-ортопедия воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий ёрдам хизматларининг тақдим этилиш ҳолатини ўрганиш тўғрисидаги масала вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи ҳамда Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссиянинг қўшма йиғилишида кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи раҳбари Олим Равшанов бошчилигидаги депутатлар маҳаллаларда уйма-уй юриб, мурожаатларни ўрганганда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда бир қатор муаммолар борлиги маълум бўлди. Йиғилишда ана шу масала ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олишда, тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва дори воситаларининг қимматлиги билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

Вилоятда 2016 йилда 699 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва пенсионерлар реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия буюмлари билан таъминланган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 916 нафарни, 2018 йилда 708 нафарни, 2019 йилда эса 1773 нафарни ташкил этган.

Ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерлар томонидан реабилитация техник воситалари ҳамда протез-ортопедия буюмларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, вилоятда ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими, ногиронларга имтиёзли шартларда бериладиган дори воситалари ва ортопедия буюмларининг ягона электрон ҳисоботи ҳамда ушбу соҳада шаффофликнинг мавжуд эмаслиги муаммолар кўпайишига олиб келяпти.

Депутатларнинг таъкидлашича, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар ҳар томонлама эскирган. Ушбу соҳада аввал ҳам, ўзгариш бўлмаган, ҳозир ҳам ўзгариш кўринмаяпти.

Йиғилишда иштирок этган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходими жорий йилда 1483 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерларни махсус аравача, эшитиш мосламаси, ҳасса ва қўлтиқ таёқ каби реабилитация воситалари ҳамда 486 нафар шахсни 1048 турдаги протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш учун маълумотлар рўйхати шакллантирилгани, вилоят молия бошқармасига 381 миллион сўм маблағ ажратиш учун талабнома тақдим этилганини таъкидлади.

Атрофлича муҳокамалардан кейин қўшма йиғилишда масалани вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди. Депутатлар масалани сессияга олиб чиқиб, амалий натижага, муаммоларни енгиллаштиришга эриша оладими-йўқми, бу ҳақда кейинроқ маълумот берамиз.

**Жаҳонгир ОЛИМОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**

*Қисқа муддатда 2,5 мингга яқин ижтимоий инфратузилма объектлари ишга туширилди.*

МУНОСАБАТ



# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

## *ҳаётимизнинг барча жабҳасини қамраб олиши керак*



**Улуғбек АЗИЗОВ,
Тошкент молия институти ректори, профессор:**

**– Жаҳондаги кўплаб молиявий муассаса таҳлилчилари қайд этишича, барча мамлакатлар 2020 йилда оғир иқтисодий инқироз таъсирини бошларидан кечиради. Буни иқтисодиёт циклик (маълум даврда такрорланиб турадиган ҳолатда) ривожланиши, фонд ва хомашё бозорларидаги вазият кўрсатиб турибди. Давом этаётган сиёсий беқарорлик ҳам бу жараёнда салбий роль ўйнамоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида дунё иқтисодиёти рецессияси ҳақидаги тахминлар синчковлик билан ёритиб борилмоқда.**

Иқтисодий рецессияси тўғрисида турли тахминлар бор. Бу хавотирли аломатлар жаҳон иқтисодиёти етакчилари бўлган – Хитой, АҚШ, Германия ва Буюк Британия давлатлари молиявий кўрсаткичлари таҳлили асосида ҳисоб-китоб қилинган. Хусусан, айни пайтда Германия ва Хитойда ички ялпи маҳсулот тушиб кетиши кузатилмоқда. АҚШ ва Буюк Британияда давлат акциялари даромадлилиги пасайди. Халқаро валюта фонди раҳбари фикрича, жаҳон иқтисодиёти Буюк турғунлик (депрессия) даврига қайтиши мумкин. Буюк депрессия 1929 йилдан 1933 йилгача давом этган. Ўша пайт рецессияси белгиси сифатида фонд бозорида нархлар тушиб кетганлиги қайд этилмоқда.

Рецессия жараёни муайян салбий молиявий ва иқтисодий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Тарихдан маълумки, Буюк депрессия вақтидаги рецессия аҳоли зиммасига оғир юк бўлиб тушган бўлса, унинг ҳозирги замонда рўй бериши жаҳон иқтисодиётида бошқачароқ, анча мураккаб табиатга эга бўлади.

Иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида ҳам рецессия сабабларига нисбатан ноаниқликлар мавжуд. Иқтисодиёт назариясида, хусусан, рецессия жараёни ва унинг бошқа иқтисодий оқибатлари билан (ушбу вазиятда фонд бозори) ва пандемия «Хитой коронавируси» билан боғлиқ ҳолатлар, бошқа ҳал қилинмаган масалалар, етишмовчиликлар бўлиб, улар вужудга келган ҳодисаларга аниқ жавоб бермайди. Ҳаттоки Халқаро валюта фонди жаҳон иқтисодиёти кўрсаткичлари пасайишини баҳолашда аниқлаштирилмаган «рецессия» атамаси билан чекланмоқда. Бунда мавжуд иқтисодий ва иқтисодий бўлмаган рисклар (хавф-хатарлар, таваккалчиликлар) ҳисобга олинмаган.

Шу билан бирга, S&P рейтинг агентлиги йирик 500 таликка кирувчи АҚШнинг энг йирик компаниялари ўз даромадларини кўпайтирмоқда. Буни барқарор ривожланиш кўрсаткичи, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳолатни тасдиқловчи бошқа қатор далиллар ҳам мавжуд.

Хулоса шуки, иқтисодий пасайиш жараёнининг ўзи – бу ҳали рецессия эмас, балки анча мураккаброқ ҳодисадир. Ўзбекистон олимлари ва иқтисодчилари олдида рецессия жараёни ва унга яқин, лекин аутентик (асл нусхасига мос) бўлмаган ҳодисаларни батафсил ўрганиш, тадқиқ этиш каби долзарб вазифалар турибди. Бу ҳодисалар вақт-вақти билан нафақат миллий, балки жаҳон иқтисодиётида ҳам рўй беради. Табиий савол туғилади: тахмин этилаётган рецессия жараёнлари бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун нима қилинмоқда ёки бу долзарб муаммони ҳал этиш, олдини олиш учун (превентив) қандай чоралар кўрилмоқда?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар даврида давлат миқёсида иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий соҳа ривожланишига қаратилган ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бу ҳужжатларнинг энг асосийларидан бири – Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасидир. Унда стратегик мақсадлар ва яқин ўрта муддат истиқболга мўлжалланган вазифалар белгиланган.

Дастурий маърузада ижтимоий ривожланиш ва мамлакатимиз иқтисодиёти ўсиши асосий тамойиллари акс этган. Аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига, хусусан, уй-жой билан таъминлашга катта эътибор берилган. Ҳар бир одам ва оила учун уй олиш – бу кичик ватанга эга бўлиш, ўзининг ҳам, оиласининг ҳам ижтимоий ҳимояланганлиги демакдир. Муҳтожларни уй билан таъминлаш – бу нафақат муаммони давлат нуқтаи назаридан кўриш, балки мамлакатимиз раҳбарининг шахсий муносабатидир. Буни Президентимизнинг қуйидаги сўзлари тасдиқлайди: «Менинг энг катта истагим, мамлакатимизда ҳар бир оила ўз уйи, ўз хонадонига эга бўлсин». Бу сўзлар ниҳоятда катта тезликда ҳаётга жорий этилмоқда. Қисқа муддатда 2,5 мингга яқин ижтимоий инфратузилма объектлари ишга туширилди.

Шуни қайд этиш керакки, Мурожаатномада иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг инфляция даражасидан юқори даражада оширилиши ҳақида гап боради. Ижтимоий тўловлар таъминланишида сансалорлик кам бўлади. Мутасадди ташкилотлар белгиланган юридик тартиб-тамойилларни амалга оширишида энг кам ҳужжатлар талаб қилиниши белгиланди.

Мурожаатномада яна бир асосий жиҳат — давлатимиз раҳбарининг илм-фан масаласида мутлақо янги сиёсатни белгилаб берганидир ва бу олимларимизнинг интеллектуал салоҳиятидан фойдаланиш имкониятини беради.

Эволюцион ўзгаришларнинг янги босқичида илм-фан бутун иқтисодиёт ривожи етакчисига айланиши керак. Илм-фан тараққиёти миллатимиз келажагини қуришга асос бўлади. Илмий натижалар жамиятнинг асосий ютуқларини белгилайди. Яқин пайтгача миллий фан турғунлиги ва ҳатто инқирози ҳақида гапириш мумкин эмас эди, бу эса фундаментал тадқиқотларга салбий таъсир этди. Ҳозирги пайтда давлат олимларни жиддий қўллаб-қувватлаш ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориши учун яхши шароит яратиш учун барча чораларни кўрмоқда. Илм-фанни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати шуни кўрсатмоқдаки, давлат Ўзбекистон илм-фанини халқаро даражага олиб чиқмоқчи, уни рақобатбардош қилмоқчи.

Етакчи хорижий илмий марказлар билан албатта ҳамкорликни йўлга қўйиш шартлигига алоҳида эътибор берилмоқда. 2020 йилда кўпсонли олим ва ўқитувчилар «Эл-юрт умиди» фонди томонидан илмий тадқиқот ва малака ошириш учун чет элга юборилади. Бу билан ўзбек фундаментал ва инновацион фанига мустаҳкам асос солинади.

«Фақат таълим миллат келажагини белгилайди» қоидаси Мурожаатноманинг ўрта таълим муассасаларини битириб, олий маълумот олишга интилаётган битирувчиларни қамраб олиш масаласида ўз аксини топган. Бу йилнинг ўзида битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга ошади. Бу 2016 йилга нисбатан олий маълумотли кадрларни тайёрлаш 5 марта кўпаяди, дегани. Бунинг натижасида, шубҳасиз, жамиятимизнинг ақлий, интеллектуал, иқтисодий ва маданий салоҳияти ошади.

Бундан ташқари, Мурожаатномада малака миллий тизимини ишлаб чиқиш зарурати қайд этилган. Бу халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берувчи кадрларни ихтисослик бўйича тайёрлаш имкониятини беради. Буларнинг ҳаммаси касбий малака талабларини (компетенцияни) барча соҳаларда таъминлайди, шу жумладан, иқтисодиётда ҳам. Натижада жамиятимиз келажаги профессионалларнинг ишончли қўлида бўлади.

Таълимда рақамли форматни жорий этиш – мазкур стратегик ҳужжатнинг яна бир асосий қоидасидир. Ҳозирги пайтда олий таълим тизимида рақамли технологияларни янада кенг жорий этишга тайёргарлик кетмоқда. Рақамлаштириш таълим, илмий контентнинг тез ва сифатли ривожланишига имконият беради. Бу инновацион технологиялар билан боғлиқ. Биринчи навбатда рақамли электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув адабиётларни яратиш, шунингдек, бутун ўқув тизими мониторингини рақамли шаклга ўтказиш лозим. Иккинчидан, онлайн ўқитишни рақамлаштириш ўқитиш жараёни субъектларига ҳам, объектларига ҳам кутилган натижаларни беради. Шунга тўлиқ ишонч борки, рақамли технологиялар асосида тайёрланадиган кадрлар жаҳон рақобат муҳитида иқтисодиётимизнинг профессионал йўл кўрсатувчилари (лоцманлари) бўладилар.

Рақамли компетенция – олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлашда қўйиладиган асосий талабдир. Бу иқтисодиётни рақамлаштириш тамал тошидир. Рақамлаштириш соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги сир эмас. Бунда «Рақам мактаби» тизими ва унинг кейинги босқичи – «Рақам олий мактаби» ишлаши талаб этилади. Айнан таълимнинг шу икки босқичида жамият, хусусан, иқтисодиётнинг бутун рақамли инфратузилмаси қурилади.

Шуни қайд этиш керакки, рақамлаштириш – бу янгилик эмас, замондошларимиз тафаккури билан ўйлаб топилган нарса ҳам эмас. Яъни, бугунги рақамлаштириш асослари дастлаб улуғ бобокалонимиз Ал-Хоразмий томонидан қўйилган. Блокчейн технологияси асосида рақамлаштириш – бу минг йил аввал улуғ олим яратган ўша алгоритмдир. У фақат янгиланган, бойитилган ва ҳаётга жорий этилаётган кўринишидир.

Рақамлаштириш асосида технологик эволюция иқтисодиёт ривожланишининг тўхтатиб бўлмас жараёнидир. Президентимиз Мурожаатномада «Рақамли Ўзбекистон – 2030» давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этиб ўтди. Биз, олимларга «Рақамли иқтисодиёт»ни ривожлантиришда туб бурилиш яратишимиз лозимлиги алоҳида уқтирилди. Энг асосийси, биз уни қанча тезроқ ўзлаштирсак, шунчалик амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси сифатли ва муваффақиятли бўлади. Биринчи навбатда, бу иқтисодий муносабатларнинг янги сифат даражасига эришилишидир. Улар товарлар, хизматлар, бизнес ва тижоратнинг жадал ҳаракатига таянади. Бугун мамлакатимизда рақамли технологиялар ривожланиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Бунга шубҳасиз давлат, хусусий сектор, фуқаролик жамияти ва ахборот-технологияларининг муваффақиятли ҳамкорлиги натижасида эришилади.

*Муҳтожларни уй билан таъминлаш – бу нафақат муаммони давлат нуқтаи назаридан кўриш, балки мамлакатимиз раҳбарининг шахсий муносабатидир. Буни Президентимизнинг қуйидаги сўзлари тасдиқлайди: «Менинг энг катта истагим, мамлакатимизда ҳар бир оила ўз уйи, ўз хонадонига эга бўлсин».*

**НАВРЎЗИНГ – ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ МУБОРАК, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

# НАВРЎЗ НАВОИЙ ТАЪРИФИДА

***Кўюнга ҳар кун бориб ҳар дам кўрай дермен сени,
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзе керак.***

**Алишер Навоий.**

Асрлар давомида Наврўз халқимиз ҳаётидаги энг муҳим кун ҳисобланган. Кун ва тун тенг бўлган айёмда байрам қилинадиган Наврўзда ҳамма хурсанд, шод ва бахтиёр бўлади. Қадимдан байрамлар (маълум вақтда такрорланиб тургани учун) ўзига хос вақт ўлчови ҳисобланган. Шу жумладан, Наврўз ҳам вақт ўлчови сифатида хизмат қилган, бошқача қилиб айтганда, Наврўз вақтни чуқур ҳис қилиш, умр қадрига етиш учун шароит яратган. Наврўз ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган кўзгу бўлиб хизмат қилган. Бу байрам жисмоний ва ақлий меҳнатдан озодлик ҳамда турли мажбуриятлардан эркинлик куни ҳисобланиб, одамлар кундалик иш, вазифа, бурч, ташвишлардан озод бўлишган. Наврўз кунида тенглик ҳукм сурган – ҳамма бир қозондан овқат еб, биргаликда сайилгоҳларга чиқиб, сайр қилишган. Наврўз кунида вужудга келган руҳий кўтаринкилик кишиларни эртанги кунига умид боғлашга, келажакка ишонч билан қарашга, ҳаётни янада гўзал қилишга ундаган.

Ажам халқларининг бир неча мингйиллик байрами ҳисобланмиш Наврўз араб халифалигининг дастлабки босқичида ман қилинган бўлса-да, кейинчалик халқнинг иродасига кўра бу байрамни нишонлаш яна расмий тус олган. Уммавий ва аббосий халифаликлари давридаги Башшор ибн Бурд, ал-Жоҳиз, Абунувос каби мумтоз араб шоирлари Наврўз ҳақидаги шеърларида наврўзий таомлар, сайиллар ва бошқа халқона удумларни васф этишган. «Ниҳоят ул-араб фи фунун ил-адаб» муаллифи Шаҳобиддин ан-Нувайрий (12-аср) Наврўзни байрам қилиш анъанасини Ҳазрат Али замонига боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Ҳаким Термизий, Беруний, Умар Хайём каби олим ва мутафаккирлар Наврўз тарихи ва унинг хосияти ҳақида ўз асарларида кенг ва атрофлича маълумот беришган.



Мўғуллар даврида бошқа диний ва миллий қадриятларимиз қатори оёқости бўлган Наврўзни байрам қилиш анъанаси темурийлар даврида қайта тикланиб, турли сайил ва томошалар ўтказилган. Жумладан, Алишер Навоий ҳам миллий қадриятларни ўзида мужассам этган, янгиланиш ва яхшиланиш дебочаси, халқни бирдамлик ва ҳалол касб орқали кун кечириш ғоясининг ифодаси бўлмиш Наврўзни ўз ғазалларида қадр кечасидек муборак ва хосиятли кун, деб таърифлайди:

***Зулфу рухсор ила комимға мени
еткурсанг,
Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг
ўлсун Наврўз.***

Шунингдек, 1489 йилда Наврўз байрами ва Рамазон ҳайити бир кунга тўғри келганини «Фавойид ул-кибар» девонининг 420-ғазалида қуйидагича тавсифлаган:

***Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар
Наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг
сарви равоним ҳам.***

Ғазал бошдан-оёқ баҳор фаслида яшнаб, одамларнинг кўзига нур ва қалбига сурур бағишловчи сарв дарахти ҳамда руҳият оламини кўкламдек яшнатгувчи сарвқомат дилбарнинг қиёси асосида қурилган. Баҳорнинг ҳаётбахш насимидан уйғониб, боғбоннинг ҳайратига боис бўлган дарахтларнинг жилваси байрам баҳонасида яшил рангдаги кийими билан олам аҳлини ўзига мафтуну маҳлиё айлаган паризоднинг хироми байрам устига байрамдек бўлиб, вужуд ва руҳнинг яйраши, яшнашига боис бўлади. Икки байрам – Наврўз ва ҳайит бир кунга тўғри келишини Навоий яхшиликка йўйиб, миллий ва диний қадриятлар ўз моҳиятига кўра бир-бирини инкор этмасдан, аксинча, мазмунан бир-бирини бойитиши, асл қадриятлар кишиларни бирдамлик ва аҳиллик руҳида тарбиялашини ушбу замоний мувофиқлик мисолида шоирона талқин этган.

Кейинги байтларда тазод ва муқобала, истиора ва ташбеҳ, ташхис ва тавсиф каби бадиий санъатлар ёрдамида боғдаги сарв ва хушқомат ёрнинг тасвири берилади: сарв дарахти баҳор насимидан мева тугмасдан, беҳосил умри хавфидан тебраниб турган пайтда, дилбарликни фан қилган гўзаллик мазҳарининг шамолдек еладиган учқур, қора оти устида сайрга чиқиши; сарв дарахти шохига қўниб, гул шавқида сайраётган булбул билан юзи қизариб, терлари шабнамдек товланиб турган гулрухсор нигор тавсифи кўнгилга хушнудлик, фараҳ олиб киради. Бу сатрлар ўқиган кишига беихтиёр баҳорий кайфият, кўтаринкилик бахш этади:

***Чаман сарви қолиб бебар, менинг
сарвим бўлуб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу елдин
секретиб адҳам.
Қўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул
шавқидин ғулғул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин
тушуб шабнам.***

Рамзлар тилида сарв – руҳий ҳуррият, истиғно ва ҳожатсизлик, ваҳдоният оламининг тимсоли, сабо – Шарқ томондан эсадиган тонгги ёқимли ва салқин шамол. Сабо тонг чоғи, кўклам ва ёз фаслларида эсиб, дов-дарахтлар ва гулу гиёҳларни қишки уйқудан уйғотади ва гулларнинг чангланиб, дарахтлар мева тугишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ирфоний адабиётларда у раҳмоний нафасга нисбат берилиб, хайрга боис бўлиши айтилади. Хусусан, сабо билан ошиқларнинг тонг чоғида чеккан оҳлари ўртасида боғлиқлик мавжуд: орифлар тонг чоғида ишққа тўлган кўнгилдан чиққан оҳлар Ҳақ таоло даргоҳига етиб боради, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақда машҳур ориф Шайх Абу Бакр Каттоний шундай дейди: «Аллоҳ таолонинг бир ели бор – тонг чоғида эсгай. У ел ошиқларнинг оҳу нолишини эшитгай, Аршга олиб чиққай, ундан Ҳазрати Парвардигорга етказгай». Шоирнинг кўнгил мулкидан чиққан оҳи сабосидан бепарво Ёри азалнинг унга иноят ва марҳамат назари билан қарамаслиги ошиқ кўнглида ишқ ғалаёни ва талаб сидқини янада кучайтиради. Боғдаги сарв шамол тебранишидан ҳар замонда ерга қараб энкайишини тамсил қилган шоир бир лаҳза бўлса-да, йўлида нигорон, тупроқдек хоксор ошиқнинг ҳолига назар солишига умид боғлайди. Ана шу байтдан бошлаб мажозий муҳаббат ҳақиқий ишққа етказувчи кўприк сифатида талқин қилинади:

***Қилиб оҳим сари парво, буён майл
этмадинг қатъо,
Сабодин, эй қади раъно, бўлур
ҳам сарв гаҳ-гаҳ хам.***

Кейинги байт эса юқоридаги байтнинг мантиқий давоми бўлиб, унда шоир соқийга мурожаат қилиб, гул фасли ва гулюзлар даврони ўткинчи эканлигини таъкидлаб, огоҳлик ва маърифат келтирувчи, муштоқликни зиёда этувчи майдан сипқоришни истайди. Бу билан шоир яхши кунларни ғанимат деб билиш, шодлик ва хурсандчилик, висол ва дийдор онларидан шукроналик ҳиссини туйиш, байрам кунларида вақтни сарҳисоб қилиб, ойдин келажакни бугундан қуриш лозимлигини таъкидлайди. Бунга эса фақат огоҳлик, маърифат ва иштиёқ билан етишмоқ мумкин:

***Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен
асру муштоқи
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди
ҳам маҳкам.***

Ғазал мақтаъида Навоий хуррамлик ва саодатни ёр кўйи ва висолида эканлигини, боғу бўстон сайри ва очилган гуллар томошаси ошиқ кўнглини шод этолмаслигини таъкидлайди. Бу, биринчидан, ошиқлик маслагининг баённомаси бўлса, иккинчи томондан, инсон – энг мукаррам зот, табиат гултожи, ҳар қандай байрам фақат яқин ва азиз инсонлар билан байрам бўлиши мумкинлигининг шоирона ифодасидир. Шу сабабли, шоир наврўзий ғазалини дўст дийдори тилаги билан тугаллайди:

***Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға
бўл мойил
Ки, боғ этмас сени хушдил, гулу сарв
айламас хуррам.***

**Олимжон ДАВЛАТОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.
ЎзА**

*Эртасини ўйлаган ҳар бир мамлакат бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратади*

**КАСБИ БОРНИНГ РИЗҚИ БУТУН БЎЛАДИ**

# «Ишга марҳамат» мономаркази ўқитади, ишга жойлаштиради

**Инсонга бахтли, кўнгилдагидек ҳаёт кечириши учун кўп нарса керак эмас. Соғлик, тинчлик-хотиржамлик ҳамда доимий иш жойи ёки зарур эҳтиёжлари учун етарли даромад манбаига эга бўлиш кифоя. Буни кўпчиликдан эшитганмиз, ҳаётимиз давомида ҳам амин бўлиб боряпмиз. Айтиш керакки, эртасини ўйлаган ҳар бир мамлакат бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратади, бўш иш ўринлари яратиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги кенг кўламлиислоҳотларни, дастурларни амалга оширади, чора-тадбирлар ишлаб чиқади.**

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йил сентябрь ойида Яшнобод туманида фаолиятини бошлаган «Ишга марҳамат» мономаркази ташкил этилганига кўп бўлмаса-да, эришилган натижалар қувонарли.

Статистик маълумотларга кўра, бугунга қадар мономарказга беш юз нафардан ортиқ фуқаро мурожаат қилган. Шундан 63 фоизи хотин-қизлардир. Уларнинг уч юз нафарга яқини ўқишни битириб, ўз йўналишларида сертификатга эга бўлди.

— Хабарингиз бор, мамлакатимиз раҳбари Яшнобод туманига ташрифи давомида марказимизда бўлиб, ҳар бир тингловчи билан самимий суҳбатлашганди, — деди мономаркази директори Нодира Умарова. — Ўқув-машғулот хоналарига кириб, шарт-шароитлар билан танишди. Ўқувчиларнинг бир дақиқа вақти ҳам бекорга кетмаслигини, марказда ўргатилаётган касблар ноёб ва келажакда ҳаётларида асос ва кафолатланган даромад манбаи бўлишини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз мамлакатимизда саноат ривожланаётганини айтиб, бу борада қатор вазифаларни белгилаб берди. Масалан, Тошкент шаҳридаги ҳар бир туманда биттадан мономарказ ташкил этиш лозимлигини таъкидлади ва буни икки ой ичида амалга ошириш кераклигини айтди. Шунингдек, пойтахтимиздаги 18 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш учун беш ойлик кечки ўқув шаклида курслар ташкил этиш кераклиги бўйича тавсиялар берди. Буларнинг замирида аҳолини рози қилиш мужассамланганини барчамиз яхши англаб турибмиз. Ҳар бир ўзгаришга бефарқ бўлмасдан амалий натижаларни кўрсатишимиз лозим. Шу боис жамоамиз билан маслаҳатлашиб, фикрлашиб, аниқ режаларни белгилаб олдик.





— Марказимиз Президентимизнинг 2018 йил 20 августдаги қарорига асосан аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган, — деди мономарказ бўлим мудири Шоҳрух Нуралиев. — Айни вақтда 22 йўналишда таълим берилиб, беш хорижий тил — яъни, рус, инглиз, корейс, япон, хитой тиллари ҳам ўргатилмоқда. Муҳими, меҳнат бозорида зарур бўлган кадрларни етиштириб беришга ҳаракат қиляпмиз.

Ўқиш даврига тўхталадиган бўлсак, ўқув курси уч ой бўлиб, дарслар асосан амалий машғулотлар асосида олиб борилади. Айтиш керакки, хорижда ишлаш ниятидаги тингловчиларга мазкур давлатларнинг қонунчилиги, маданияти, тилини ҳам ўргатиш йўлга қўйилган. Шунингдек, курс якунида битирувчилардан иш берувчи корхоналар томонидан комиссия ташкил этилиб, амалий имтиҳон олинади. Жараёнда иш берувчилар мутахассисиларни танлаб олишади. Шунингдек, марказимизда қўшимча хизматлар ҳам кўрсатилади. Хусусан, ўқувчилар малакали психологдан, ҳуқуқшуносдан маслаҳат олишлари мумкин. Айтиш керакки, мономарказда мини-технологиялар кўргазма майдончаси ташкил этилгани ҳам фойдадан холи бўлмаяпти.

Эришилган натижадан қониқмай, келгуси режаларни, марраларни баланд олишимиз лозим, деб ўйлайман. Шундагина кўзланган мақсадга, аҳоли розилигига эришишимиз мумкин.

— Аёлларни доимо гўзал бўлиб юришларини истайман, — деди марказда нейл-стилист йўналишида таҳсил олаётган Гулчеҳра Абдуллаева. — Шу боис, мазкур йўналишда тадбиркорликни бошлаганман. Бироқ истакнинг ўзи етарли эмас экан. Вақт ўтиб, малака оширишим, соҳамга тегишли замонавий билимларни эгаллашим кераклигини тушундим. «Ишга марҳамат» мономаркази ҳақида эшитиб, ҳужжатларимни топширдим. Рости, бугунги кунда мижозларим сони ортган, улар ишимдан хурсанд. Келажакда тадбиркорликни кенгайтириб, 2 та янги иш ўрни очиш ниятидаман. Албатта, моно марказда ўқиган опа-сингилларимизни ишга оламан.

— Марказ ҳақида интернет орқали маълумот олганман, — деди «Қизил тоғ» хусусий корхонасида ишлаётган Ҳусан Йўлдошев. — Йўналишлар, ўқув курслари муддати билан танишиб, тил ўрганиш мақсадида марказга бордим. У ерда мени устозим Нормат Бобоев кутиб олди. Айни вақтда токарликка эҳтиёж катта эканини айтиб, мазкур йўналишда ўқишни тавсия қилди. Уч ой давомида талабчан ҳамда меҳрибон устозлардан таҳсил олдим. Назария билан биргаликда амалий ишлар билан машғул бўлдик. Дастгоҳларда деталлар ясадик. Хато ва камчиликларимизни кўриб, тузатишга ҳаракат қилдик. Муҳими, ишимизнинг устасига айландик. Ўқишни битиришим билан ишга жойлашдим. Ойлик даромадим ҳам кўнгилдагидек. Ҳаётимдаги ўзгаришларни кўраётган қариндошлар, ўртоқларим бунинг сабабини сўрашади. Мен уларга мономарказ ҳақида сўзлаб бераман. Ҳатто аксарият танишларим у ерда ўқиш учун навбатга ҳам ёзилишди.

«Ишга марҳамат» мономаркази Ҳусан Йўлдошев, Гулчеҳра Абдуллаева сингари юзлаб инсонларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига сабаб бўлмоқда. Ўйламизки, марказнинг кейинги фаолияти ҳам самарали бўлади ҳамда мамлакатимизда ишсизликни олдини олиш, жамиятга керакли кадрлар тайёрлашда муваффаққият билан хизмат қилади.

**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Малакали кадрлар етишмовчилиги бартараф этилади

**«Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, келгуси ўқув йилидан бошлаб тегишли ҳудудда 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан халқ таълими ва мактабгача таълим соҳаларида олий маълумотли педагог кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича давлат буюртмаси гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичларни шакллантириш белгиланди.**

Тўғрисини айтиш керак, чекка қишлоқ мактабларида ўқув-тарбия сифати тушиб кетгани туфайли қишлоқ ёшлари ОТМларга кириш имтиҳонларидаги кучли рақобатга дош бера олмаяпти. ОТМга кирганлари ҳам ўқишни тугатиб, қишлоғига қайтмаяпти. Яшаш учун, ишлаш учун шароитлар нисбатан яхши бўлган шаҳарларда қолиб кетмоқда. Бунинг натижасида чекка ҳудудлардаги мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектларида малакали ва тажрибали мутахассислар етишмовчилиги масаласи бугунга келиб ўткир муаммога айланди.

Халқ демократик партияси қишлоқ жойларда ижтимоий соҳа объектларининг бугунги фаолияти талаб даражасида эмаслиги, аҳолига таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида асосан олий маълумотга эга бўлмаган — қишлоқ хўжалиги илмидан бехабар фуқаролар меҳнат қилаётганини малакали кадрлар етишмовчилигидан, деб ҳисоблайди. Бу муаммони бартараф этиш учун тизимли ислоҳотларни амалга ошириш зарур, деган ташаббусни илгари сурди.

Хусусан, партиямиз қишлоқ ёшларини кейинчалик ўз қишлоғида ишлаш шарти билан давлат грантлари асосида олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиш тизимини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш таклифи билан чиққан эди. Яқинда эълон қилинган Президент қарорида ушбу йўналишда муҳим вазифалар белгиланди.

2019—2020 ўқув йилида 1 миллион 66 мингдан зиёд абитуриент олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган бўлса, улардан 130 минг нафарга яқини талабаликка қабул қилинди холос. Ўқишга кира олмаган 1 миллион нафарга яқин ёшлар сафига кейинги йили яна 500 минг атрофидаги битирувчи ўқувчилар келиб қўшилади.

Бу рақамлар Ўзбекистонда деярли барча соҳаларда олий маълумотли кадрларга эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бораётганининг асл сабабини кўрсатиб турибди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқларда яшайди. Демак, қишлоқ ёшларининг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, соҳаларни ривожлантиришга қодир бўлган малакали кадрларни тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади. Жойларда эҳтиёж юқори бўлган педагог кадрларни тайёрлашда ўз ҳудудида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан давлат грантлари асосий ўқишга қабул қилиш юзлаб, минглаб ёшларимиз учун катта имконият бўлади.

Юртдошларимизда олий таълим олиш истаги жуда юқори бўлишига қарамай, олий ўқув юртлари сони ва ажратиладиган квоталарнинг камлиги туфайли юз минглаб ёшлар ҳеч қандай мутахассисликка эга бўлмай, ишсиз қолмоқда. Демак, ушбу қарор билан ўқишга кириш истагида юрган кўплаб йигит-қизларнинг орзуси амалга ошади. Шу билан бирга, ҳудудларда мутахассис етишмовчилиги муаммоси камаяди. Натижада таълим-тарбия сифати ошади, қишлоқларда илм олиш муҳити яхшиланади.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши сектор мудири.**

# КАТТАҚЎРҒОНДА ИККИ МТТ ЯНГИ БИНОГА ЭГА БЎЛДИ



– 46-МТТ 1979 йилда қурилган бинода жойлашган бўлиб, замон талабларига жавоб бермай қолган эди, – дейди туман мактабгача таълим бўлими мудири Тоштурди Алқаров. – Бинони тубдан қайта таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишлари учун 2 миллиард 660 миллион сўм маблағ сарфланди. Мазкур иншоот тумандаги «С-HOLDING» МЧЖ қурилиш корхонаси томонидан фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Чуббоз қишлоғида ҳам давлат дастури доирасида 2 миллиард 675 миллион сўм маблағ эвазига 50 ўринли МТТ таъмирланди. Ушбу МТТларнинг очилиш маросимида туман ҳокими ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Замонавий кўркам бинода мудира ва ҳамшира хоналари, мусиқа зали, 4 машғулот хонаси, ётоқхона ҳамда ювиниш хонаси, 100 ўринли ошхона, иситиш тизими, захира озуқаларни сақлаш учун омборхоналар мавжуд. Таълим даргоҳида тарбияланувчилар учун инглиз, рус тили ҳамда гимнастика ва миллий кураш тўгараклари ташкил этилди.

Чуббоз қишлоғидаги 50 ўринли 36-МТТ биноси тумандаги «Оқдарё» МЧЖ томонидан қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу замонавий ва кўркам бинода кичкинтойлар учун барча шароитлар яратилган.

2019 йил якунига кўра туманда жами 3-7-ёшлилар 22187 нафар бўлиб, уларнинг 11404 таси бугунги кунда 141 давлат ва нодавлат МТТларга қамраб олинган.

**Абдурасул САТТОРОВ**

**Наманган вилояти, Поп туманидаги Парда Турсун номли физиатрия ва соғломлаштириш санаторийси ҳамиша республикамизнинг турли бурчакларидан даволаниш учун келган инсонлар билан гавжум. Қишин-ёзин ям-яшил бўлиб турадиган дарахтзор, атроф-муҳитнинг табиийлиги, мусаффо ҳавоси кишининг баҳри-дилини очади. Мутасаддиларнинг айтишича, бу ерда йилига 1200-1500 минг нафарга яқин киши муолажа олади. Унинг терапия, лор, урология ва эндокрин касалликларини даволайдиган бўлимлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.**



# СИҲАТГОҲ ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

– Даволаш-профилактика муассасамизда физиотерапия, парафин-озокерит, йодобромли, хушбўй ванналар, сув массажи, доривор ўсимликлар дамламалари ҳамда махсус гимнастика машқлари асосида даволашга алоҳида аҳамият берилади, – дейди бош врач Мақсудали Нуралиев. – Ташхис бўлимида даволанувчи дастлаб дунё стандартига мос тиббий ускуналар ёрдамида иммунофермент анализатор орқали текширилади, Паст ва юқори частотали физиотерапевтик ускуналар, озонатерапея, лазеротерапея воситасида ўтказаётган муолажаларимиз яхши натижалар беряпти.

– Мен Хоразмдан келганман, – дейди Қадамбой Матчонов. – Умуртқамда, бош, қўл, оёғимда оғриқ кучли эди. Бу ерга келиб мунтазам ва давомли муолажалардан кейин аҳволим яхшиланди. Ўзимни яхши ҳис қилаяпман, даволовчи шифокорларнинг қўли енгил экан, ҳозир касалдан фориғ бўлдим, барака топишсин.

Ўз касбининг фидойилари, кичик шифокор Гулруҳ Каримова, Жасур Каримовлар сидқидилдан дардимга даво излашди. Андижонлик Зебинисо Сайдаметова, тошкентлик Одилжон Эргашев, наманганлик Аҳмадали Ёқуббоев ва бошқалардан ҳам ана шундай миннатдорлик сўзларини эшитиш мумкин.

– Санаторийда қандли диабет, қўл-оёқ бўғимларининг қақшаб оғриши, уйқу ошқозон-ичак касаллиги, умуртқа чурраси бўйин ва елкалар оғриғи бўйича даволанаётган беморлар алоҳида назоратда бўлади, – дейди сиҳатгоҳнинг 4-корпус мудири Гулбаҳор Рўзметова. – Барча шифокорларни ширинсўз, эътиборли бўлишга даъват қилиб келамиз. Чунки ширин сўзнинг ўзи ярим даво, дейишади. Даволаш масканида Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари учун алоҳида хоналар ажратилган бўлиб, ана шундай хайрли ишларни давом эттираяпмиз.

– Санаторийимиз ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган бўлиб, асосан ўпка ва суяк касалликлари, тузилиши мураккаб бўлган беморларга мўжалланган, – дейди бош врач ўринбосари, олий тоифали шифокор Олимжон Каримов. – Ҳар йили мавсумда олти мартагача мижозлар қабул қилиниб, даволаш муолажалари олиб борилади. Лекин бу маскан йиллар давомида таъмирталаб бўлиб қолгани учун мижозлар сони 500 тадан 300 тага тушиб қолди. Шунинг учун санаторий 2019 йилда капитал реконструкция режасига киритилди. Ҳозир бу ерда кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Санаторийда 20 га яқин турли тоифадаги шифокорлар, юзга яқин ҳамшира ва ходимлардан иборат жамоа инсон саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир.*

# ЕРДА КЕЛАЖАК АВЛОДНИНГ ҲАМ ҲАҚҚИ БОР



***Кейинги уч йил мобайнида фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, хусусан, минг-минглаб уй-жойлар барпо этилиб, имтиёзли нарх ва шартлар асосида муҳтож фуқароларга берилаётганидан барчамиз хабардормиз.***

***Шунингдек, 2018 йилда давлатчилигимиз тарихида илк маротаба Президентимиз томонидан бир марталик акция эълон қилиниб, фуқароларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда қурилган уй-жойларга эгалик ҳуқуқи белгиланганди ва натижада минглаб-минглаб одамларнинг хавотири йўқолиб, кўнглига хотиржамлик ингани ҳам айни ҳақиқатдир.***

Бундан ташқари, фуқароларга уй-жой қуриш учун ер майдонини бериш тартиби очиқланиб, ер участкалари эркин электрон савдога қўйилаётгани ҳам аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш, ҳам бу борадаги қонунбузилиши ва коррупция иллатларини йўқотишга қаратилган муҳим омил бўлди.

Қайд этиш жоизки, йиллар давомида айрим фуқароларимиз томонидан **қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар** ўзбошимчалик билан, бирон-бир ҳужжатсиз эгаллаб олиниб, уй-жой ва бошқа нотурар жойлар: молхона ва бошқа турли ёрдамчи бинолар барпо этиш орқали қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ҳосилдор ерлар талон-тарожлигига йўл қўйилган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Буни судлар томонидан кўрилаётган қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган-суғориладиган ҳосилдор ерларда ўзбошимчалик билан қурилган бино-иморатларни бузиш ва эгаллаб олинган ер майдонларини қайтариш ҳақидаги ишлар мисолида, хусусан, йил бошидан шу кунга қадар судларда кўрилган **4400 та** ишнинг **3437 та**си қаноатлантирилиб, ер майдонлари мақсадли фойдаланиш учун қайтарилганида кўриш мумкин.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриб олган аксарият фуқаролар қонун талабини билмаганлигини важ қилиб, суддан қурган иморатини бузмасликни, аксинча қонунийлаштириб олишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилаётган ҳолатлар ҳам кўплаб учрайди.

Ваҳоланки, **амалдаги қонунчилик талабини билмаслик – қонунни бузган фуқарога бирон-бир имтиёз бермайди.** Иморат қуришдан олдин албатта тегишли тартибда рухсат олиш, шу ер майдонида иморат қуриш ҳуқуқини қўлга киритиш лозим (Ер участкасини олиш, иморат барпо этиш тартиб-тамойиллари амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ўз аксини топган).

Судга даъво ариза киритиб, суд қароридан норози ҳолда «адолатсизлик бўлди», деб турли йўллар билан жамоатчилик эътиборини жалб қилиш орқали ўзбошимча қурган иморатини сақлаб қолишга уринаётганлар ҳам бор.

Айрим ҳолатларда оилавий аҳволини ҳисобга олган ҳолда жойдаги мутасаддилар томонидан бошқа жойдан уй ёки ер майдони таклиф этилаётганда ҳам улар томонидан рад этилаётгани сабабини тушуниш қийин. Бу ўзини жабрланган кўрсатиб, пешкирлик қилишга ўхшаб кетади. Аслини олганда, ***бу ўзининг ноқонуний ҳаракати ва шахсий манфаатини амалдаги қонунлар ва бутун бошли эл манфаатидан устун қўйишдан бошқа нарса эмас.***

Шу ўринда, юртдошларимизга эслатиш жоизки, **Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.**

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ўзбошимчалик билан эгалланиши жамиятимиз аъзолари, ёшу қари – барчанинг манфаатига зид – ноқонуний ҳаракатдир. Бутун ҳаётимиз, турмушимиз шу замин орқасидан эканлигини, шунингдек, экин экиб ҳосил олиш мумкин бўлган ерларда келажак авлоднинг хам хаққи борлигини, шунинг учун ҳам уни авайлаб-асрашга барчамиз бирдай бурчли эканимизни унутмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
**Олий суд раисининг ўринбосари.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**Бугун ноқонуний қурилган уйлар ва уларни бузиш масаласи атрофидаги баҳс-мунозаралар кучайгандан-кучайиб бормоқда, турли хил фикрлар, таклифлар билдирилмоқда.**

**Тўғри, мақолада айтилганидек, ер — авлодлардан-авлодларга қоладиган миллий бойлигимиз. Уни талон-тарож қилишга, қонун-қоидани бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, ўтган йиллар давомида кўп қишлоқ жойларида рухсатсиз иморат ёки молхона қуриб олганлар бўлди. Ҳатто суғориладиган ёки фермерларга тегишли ерларда ҳам ўзбошимчалик билан уй-жойлар қурилди.**

**Хўш, бугунги муаммо ёки норозиликлар сабаби нимада?**

**Биринчидан, айримлар қонунни, жавобгарликни билиб-билмай иморатлар қурган. Лекин қонунни билмаслик мақолада айтилганидек, жавобгарликдан озод қилолмайди. Бироқ бошқа савол кўндаланг бўлади: маҳалла фуқаролар йиғини, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳокимлик масъуллари нега томошабин бўлиб туришган? Ёки улар кабинетдан чиқмай ўтиришадими?**

**Иккинчидан, фермер хўжаликлари ерларида одамлар қандай қилиб уй-жой қуриб олишди? Фермер кўрмай қолганми, билмай қолганми? Уйлар бир кечада қурилмайди-ку.**

**Йўқ, фермерлар ерларни сотишган. Ўтган йили Қашқадарёда бир неча кишига ер сотган фермер тўғрисида мақола эълон қилган эдик. Жиноят иши қўғатилиб, фермер жавобгарликка тортилди, одамлардан олган пулларини қайтариб берди. Аммо одамлар фермер гапига ишониб, моддий зарар кўришди. Чунки қурилган уйлар бузиб ташланди, уй учун қилинган харажатлар ҳавога совурилди.**

**Бу каби ҳолатларда уй-жойларга сарфланган харажатни ҳам фермер ҳисобидан қопланса, адолатли бўлмасмиди?**

**Шунингдек, ер ҳоким қарори билан берилган бўлса ёки ҳокимият вакилларидан кимдир «қураверинг, ҳужжатларини тўғрилаб берамиз», деб ваъда қилгани исботланса, одамларнинг бузилган уйи харажатларини ҳоким ёки унинг вакили ҳисобидан ундирилса, тўғри бўлади ва бундай ечим коррупциянинг олдини ҳам олган бўларди. Бу нафақат уй-жой, балки ҳар қандай қурилишга тегишли. Ҳоким, архитектор ва бошқа масъуллар хатоси учун одамлар жабрланмаслиги керак. Одамлар эса қонунни ҳурмат қилиши, белгиланган тартиб-қоидага амал қилишлари шарт, деб ўйлаймиз.**



# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

**Мамлакатимизда эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилган кекса авлод вакилларини эъзозлаш, уларга меҳр-оқибат, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ёш авлодни миллий қадриятларимиз ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бунда кексалар ибрати, маънавияти ва бой ҳаётий тажрибасидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти мутасадди раҳбарлари ҳам бўлғуси офицерларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг Ватанга бўлган муҳаббати ва садоқатини янада мустаҳкамлаш, ҳаёт йўли ибрат бўлган уруш ва меҳнат фахрийларига эҳтиром кўрсатиш мақсадида бир қатор тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Хусусан, куни кеча Тошкент шаҳри Олмазор туманида жойлашган Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей биносида институтнинг курсант ва муддатли ҳарбий хизматчилари, Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи, Миллий гвардия қошидаги «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ҳамда Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчи-ёшлари иштирокида «Уч авлод учрашуви» маънавий-маърифий тадбири ташкил этилди.

Унда Тошкент шаҳри Олмазор туманида яшаб келаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1922 йилда таваллуд топган 98 ёшли Аббос Аппанов фахрий меҳмон сифатида таклиф қилиниб, Ватанимиз тинчлиги йўлида қилган хизматлари эътироф этилди. Уруш фахрийси оғир дамлар ва бугунги осойишталик ҳақида ёшларга гапириб берди. Аббос ота эришилган мустақиллик ва тинчлик, юртимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзларкан, ёш авлодга ўзининг самимий тилакларини билдириб ўтди.

Тадбир давомида институт ҳарбий оркестри, «Алвон беретлар» бадиий ҳаваскорлик жамоалари, мусиқа лицейининг иқтидорли ёшлари томонидан мусиқий чиқишлар намойиш этилди. Тадбир сўнгида Аббос отага институтда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар томонидан чизилган портрет совға қилинди.

**Нафосат ЗАРИПОВА,**
**Миллий гвардия матбуот хизмати ходими.**




## БИЛАСИЗМИ?



### Фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация тўланадими?

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун **пуллик компенсация** тўланади.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг хоҳишига кўра, **йиллик асосий ва қўшимча таътиллар**ни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиши мумкин. Бунда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси **бекор қилинган кун,** деб ҳисобланади.

### Талаба қайси ҳолларда ОТМдан четлаштирилади?

Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

— ўз хоҳишига биноан;

— ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;

— саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

— ўқув интизомини ва ОТМнинг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;

— бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

— ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

— талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

— суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

— вафот этганлиги сабабли.



### Аёл болани парваришлаш таътили даврида ишлаши мумкинми?

Аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, **давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа** тўланади.

Шунингдек, аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун **таътил** берилади. Бу даврда **иш жойи сақланади**.

Аёл ўз хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаши мумкин.



### Никоҳни бекор қилиш учун судда давлат божи кимдан ундирилади?

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга кўра Фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган:

— никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан **446 000 сўм** миқдорида;

— такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан **892 000 сўм** миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат божи никоҳдан ажратишни сўраб **судга ариза топширган томондан** ундирилади.



**Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.**

*У: «Ер меники, «ашуласини" (яъни, уларнинг шевасида пул бериш) бериб қўйганман. Бу ишга аралашма, қилган харажатингга куйиб қоласан", дейди.*

# ЕР АЖРАТИШДАГИ КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАР

## қачон барҳам топади?

**Тадбиркор Рустам Икромов муқаддам Наманган шаҳар солиқ инспекциясида жисмоний шахсларга солиқ солиш ва назорат бўлими инспектори бўлиб ишлаган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Республика солиқ-божхона академиясида таҳсил олган. 2014-2019 йилларда халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатган.**

Президентнинг паст рентабелли экин майдонларини полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ўтказиш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида 2017 йил 10 октябрда қабул қилинган «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан руҳланган Рустам Икромов ҳам боғдорчилик хўжалиги ташкил этишни ният қилди.



Ана шу мақсадда у 2019 йилнинг апрель ойида Наманган туман ҳокимига паст рентабелли экин майдонларидан 2 гектар ер ажратиб беришни сўради. Унинг аризаси Наманган вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман ҳудудий бўлими ер ўлчовчиси Баҳодир Набиевга йўналтирилди. Ер ўлчовчи тумандаги ғаллачиликка ихтисослашган «Наманган замини" фермер хўжалиги ҳудудидаги паст рентабелли ер майдонини ҳукумат қарорига асосан полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш учун тадбиркорларга ажратилиши режалаштирилаётганини билдирди.

«Наманган замини" фермер хўжалиги раҳбари Фазлиддин Жўраев тасарруфида ўша пайтда 8 гектар паст рентабелли ер майдони мавжуд бўлган. У 2019 йил 23 апрелда туман ҳокими Шуҳрат Давронов номига «Фермер хўжалигидаги 8 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олишингизни сўрайман", деб ариза ёзади. Белгиланган тартибга кўра, Фазлиддин Жўраевнинг тасарруфидаги ер майдони 2019 йил 23 апрелда захирага топширилганидан кейин 10 кун муддат ичида, яъни, май ойининг бошларида фермер хўжалиги тугатилиб, унинг қўлидаги муҳр ва штамп Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Наманган тумани ҳудудий бўлимига топширилиши керак эди.

Рустам Икромов 2019 йилнинг апрель ойи охирларида «Наманган замини" фермер хўжалиги раҳбари Фазлиддин Жўраевдан паст рентабелли ер майдонини Наманган туман ҳокимлиги захирасига топшириш тўғрисида розилик хати олади ва ариза билан қайтадан туман ҳокимлигига мурожаат қилади. Наманган туман ҳокими томонидан «Ижодкор" ММТП ҳудудидаги «Наманган замини" фермер хўжалиги жойлашган, ер тузиш ички картасининг 69-контуридан ўша 8 гектар ернинг 2 гектарини Рустам Икромовга ажратиш ҳақида 2019 йилнинг 29 майида 2078-қарор ҳамда 2019 йил 4 июнда ўша контурдан тадбиркор Анасхон Ибрагимов номига 2 гектар ер ажратиб бериш тўғрисидаги 2219-сонли қарор қабул қилинади. Ушбу қарорлар қонуний ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиб, туман сессиясида тасдиқланади.

Илгари туман ер ўлчовчиси бўлиб ишлаган Аваз Тожимирзаев ҳоким номига фермерликни топширишга ариза берган, лекин муҳр ва штамп ҳали қўлида бўлган Фазлиддин Жўраевга ҳоким томонидан Рустам Икромов ҳамда Анасхон Ибрагимовга ер ажратиш тўғрисидаги қарор бекор қилинганини айтиб, ўша жой учун бўлган Толиб Нуриддиновга розилик хати беришга кўндиради. Унинг гапига лаққа ишонган Фазлиддин Жўраев 2019 йил 1 июнда «Наманган замини" фермер хўжалиги ҳисобидаги ўша 8 гектар ерни қайтадан туман захирасига топшириш ҳақида ҳоким номига ариза ёзади ва Толиб Нуриддинов деган шахсга розилик хати беради.

Маълум бўлишича, ана шу захирага олинган ер майдонининг 4 гектари ҳоким қарори билан боғдорчилик ташкил этиш учун аҳоли ўртасида «Одил раис" номи билан танилган кишига ажратилган. У эса бу ерда боғ яратиш ўрнига одамларга уй жой қуриш учун сотиб юборган.

2019 йилнинг август-сентябрь ойларида Рустам Икромов ва Анасхон Ибрагимов ерни келгуси йил баҳорда экспортбоп олма ҳамда нок кўчатлари экишга тайёрлашга киришади. Ўша пайтда Шуҳрат Давронов ўрнига Садриддин Мўминов Наманган туман ҳокими этиб тайинланади. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман ҳудудий бўлими ер ўлчовчиси Баҳодир Набиев ҳам ишдан бўшатилиб, унинг ўрнини илгари қилган қинғирликлари учун ишдан ҳайдалган Аваз Тожимирзаев эгаллайди. У Рустам Икромовга «Сизларга ер ажратиш тўғрисидаги қарор бекор қилинган, бу ер майдони Толиб Нуриддиновга берилган, катталарнинг топшириғи шундай", дейди.

Бу пайтда Рустам Икромов мазкур ер майдонига ариқ ковлатиш учун 4-5 миллион сўм миқдорида маблағ харажат қилиб, чет элдан мева кўчатлари олиб келиш учун хорижий ҳамкорлар билан 150 миллион сўмлик шартонома тузиб қўйган эди. Шундан кейин у туман ҳокимига кириб, олдинги ҳоким томонидан чиқарилган қарорни кўрсатади. Садриддин Мўминов Рустам Икромовга «Бу ерда англашилмовчилик бўлган, Толиб Нуриддиновга нотўғри қарор чиқарилган", деб, унга хотиржам бўлишни, бу масалани ҳал қилиб беришини айтади. Рустам Икромов ўша куни ишнинг натижасини билиш учун тушдан кейин яна ҳоким қабулхонасига кириб, туман ер ўлчовчиси Аваз Тожимирзаевни учратади. У бу масалада туман ҳокими Садриддин Мўминовга кириш бефойда эканини, иш «юқоридан" ҳал қилинганини айтиб, хоҳлаган жойга шикоят қилиши мумкинлигини билдирди.

Мўминов келганидан кейин «Наманган замини" фермер хўжалиги жойлашган, ер тузиш ички картасининг 69-контуридан Рустам Икромов ва Анасхон Ибрагимовга берилган 4 гектарлик ер майдони 2019 йил 26 июль санаси билан 5 гектар ҳисобида Толиб Нуриддиновга ажратилиб, янги ҳоким томонидан 2592-сонли қарор чиқарилган экан...

Наманганда «Одил раис" номи билан танилган 60-65 ёшлардаги бу кимса илгари ер олди-сотди ишлари билан ноқонуний шуғулланиб келгани учун жавобгарликка тортилган. «Наманган замини" фермер хўжалиги жойлашган, ер тузиш ички картасининг 69-контуридан Рустам Икромов ва Анасхон Ибрагимовга ажратилган ер майдонини қинғир йўллар билан ўзининг таниши бўлган Толиб Нуриддиновга ҳоким қарорини чиқартирган...

2019 йил ноябрь ойида Одил раис Рустам Икромовга тегишли ер майдони четига бетондан пойдевор қуйдиради. У Одил раис билан учрашиб, ер майдони ҳоким қарори билан ўзининг номига чиқарилганини айтади. «Сизга чиқарилган қарор вилоят ҳокими томонидан тасдиқланмаган", дейди Одил раис. Шунга қарамай Рустам Икромов эртаси куни трактор олиб келиб, ерни ҳайдата бошлайди. Ярмини ҳайдатганидан кейин ўз иши бўйича кетади. Ўша пайтда Одил раис, Толиб Нуриддинов ва яна 3-4 киши келиб, тракторчини қўрқитиб, ҳайдаб юборишади. Бундан хабар топган Рустам Икромов Одил раисга қўнғироқ қилиб, нима гаплигини суриштиради. У: «Ер меники, «ашуласини" (яъни, уларнинг шевасида пул бериш) бериб қўйганман. Бу ишга аралашма, қилган харажатингга куйиб қоласан", дейди.

***Ердан ноқонуний фойдаланилиши ҳолатлари таҳлилидан маълум бўлишича, сўнгги йилларда бирорта ҳам ҳоким бундай қонунбузарлик учун жавобгарликка тортилмаган. Лекин энди давр ўзгарди, замон ўзгарди. Ҳар бир раҳбар – у қайси лавозимда бўлишидан қатъи назар, ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб бериши керак.***

Рустам Икромов бу масалага ойдинлик киритиш учун Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Наманган тумани ҳудудий бўлимига боради. Янги бўлим бошлиғи унга: «Сизга ҳоким қарори асосида ер ажратиш учун тайёрланаётган кадастр ҳужжатларини тасдиқлатиш тўхтатиб қўйилган, шунинг учун бу ишни қилиш қўлимдан келмайди", дейди.

Рустам Икромов асаби бузилиб, яна ҳоким қабулхонасига боради. Кечқурун ҳоким билан учрашади. Садриддин Мўминов: «Бу қарор вилоят ҳокими тасдиғидан ўтмаган экан, мен бу ерда янгиман, шунинг учун ҳеч нарса қилолмайман. Яхшиси, бошқа ердан жой ажратишни сўраб мурожаат қилинг", дейди...

Кейинчалик маълум бўладики, 2019 йил июнь ойида Наманган тумани ҳокими Шуҳрат Давронов ўрнига Садриддин Мўминов келганидан кейин...

Рустам Икромов 2019 йилнинг 7 ноябрида мавжуд икки гектар ер майдонида хориждан олиб келинадиган экспортбоп олма ва нок кўчатлари ўтказиб боғ яратиш учун «Мурувват барака сервис" МЧЖ билан 150 миллион сўмга шартнома тузган. Бу маблағнинг 50 фоизи 15 ноябрда «Мурувват барака сервис" МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилган. Қолган 50 фоизи МЧЖнинг махсус ҳисоб рақамида турибди. 2020 йилнинг 31 мартигача кўчатлар келтирилиб, экилиши керак. Рустам Икромов шу масала бўйича 2019 йилнинг декабрида Наманган туман прокуратурасига мурожаат қилади. Прокурор ўринбосари унинг гапларини диққат билан тинглаб, бу низоли жойни бориб кўрганини, ажратилган ер майдони ҳақидаги туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими томонидан тасдиқланмагани учун протест киритиб, бекор қилишини билдиради. Шундан кейин Рустам Икромов бу ҳақда юқори ташкилотларга мурожаат қилади. Лекин ёзган аризалари қайта кўриб чиқиш учун Наманган туман ҳокимлиги ва прокуратурасига юборилади. Собиқ депутат эса адолат истаб сарсон-саргардон бўлиб юрибди...

Президент томонидан 2019 йил 14 августда қабул қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги фармонга кўра, мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва бу борада ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган масъул шахсларнинг жавобгарлигини ошириш белгиланган.

Рустам Икромовга паст рентабелли ерда боғдорчилик хўжалигини ташкил қилиш ҳақида ўша пайтдаги туман ҳокими Шуҳрат Давронов чиқарган. Унинг ўрнига Садриддин Мўминов ҳокимликка тайинлангач, собиқ ҳоким қарори бекор қилиниб, ўша ер майдони Одил раиснинг одами бўлган Толиб Нуриддиновга «тортиқ" этилган. Буни қандай тушуниш мумкин? Янги келган ҳар битта ҳоким собиқ ҳокимнинг қарорини бекор қилиб, ўз билганича иш тутаверса, қонун бузилмайдими? Бундай адолатсизликлар аҳоли ўртасида кўплаб норозиликлар пайдо бўлишига олиб келмайдими?

2020 йилдан бошлаб ҳокимларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилди. Бу масала холис ва адолатли кўриб чиқишлиши лозимлиги белгиланди. Мулк дахлсизлиги презумпцияси пайдо бўлди.

Ердан ноқонуний фойдаланилиши ҳолатлари таҳлилидан маълум бўлишича, сўнгги йилларда бирорта ҳам ҳоким бундай қонунбузарлик учун жавобгарликка тортилмаган. Лекин энди давр ўзгарди, замон ўзгарди. Ҳар бир раҳбар – у қайси лавозимда бўлишидан қатъи назар, ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб бериши керак. Рустам Икромов ана шу қонунлар амалда ҳаётга татбиқ этилишига ишонади.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози" мухбири.**



# МЕҲРИБОН УСТОЗ, ҚАДРДОН ДЎСТ ХОТИРАСИ

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, атоқли шоир Азим Суюн оламдан ўтди.**

Азим Суюн 1948 йил 22 февралда Самарқанд вилояти Накурт қишлоғида туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини битирган. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлаган. У ўтган асрнинг 70-йилларида ижод билан фаол машғул бўлди. Шоирнинг «Менинг осмоним» деб номланган биринчи китоби 1978 йилда чоп этилган.

Азим Суюннинг «Зарб» (1979), «Замин тақдири» (1981), «Хаёлот» (1984), «Зиё йўли» (1986), «Жавзо» (1987), «Олис тонглар» (1989), «Куйганим-суйганим» (1992), «Қора кўзинг сенинг» (1994), «Сайланма» (1997), «Ўзлик» (1999), «Шарқ ҳикмати» (2000), «Ватан фасллари» (2007), «Муҳаббат ҳайратлари» (2009), «Андиз ўсган ерларда» (2012), «Эй дўст» (2014) каби кўплаб китоблари нашр этилган. Унинг бир қатор шеърлари, шеърий туркумлари, китоблари, рус, инглиз, турк, қозоқ, тожик каби ўнлаб тилларга таржима қилинган.

Азим Суюн ўтган йиллар мобайнида нафақат шоир, балки журналист сифатида ҳам матбуотимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди. У «Халқ сўзи» газетасида бўлим муҳаррири, 1993-2002 йиллар мобайнида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида Бош муҳаррир, 2002 йилдан 2013 йилгача «Гулистон» журнали Бош муҳаррири лавозимларида ишлади. Мана шу давр ичида у ўнлаб истеъдодли журналистлар етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшди. Бугунги кунда Азим Суюннинг кўплаб шогирдлари Оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатмоқда.

Азим Суюн биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Жаҳон маданият ва санъат академияси, бутунжаҳон шоирлар конгресси аъзоси эди.

# МЕҲР ВА САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

**Боланинг бегонаси бўлмайди, уларнинг барчаси беғубор, бокира. Минг афсуски, оиладаги ноаҳиллик, эр-хотиннинг бир-бирини тўғри тушунмаслиги, ўзаро ишонч, ҳурмат-иззатнинг йўқлиги фарзандлар ҳаётида ҳам нохуш оқибатларни келтириб чиқаради.**

Жисмонан ва ақлан носоғлом болаларнинг дунёга келиши ёки қалби кемтик бўлган жажжиларнинг бир умр ота-она меҳрини қўмсаб юриши ҳам сир эмас. Албатта, бундай болалар доимо давлатимиз эътиборида ва ҳимоясида. Айниқса, сўнгги йилларда ана шундай ўғил-қизлар тарбияланаётган муассасалардаги шарт-шароитларни янада яхшилашга катта эътибор қаратилаяпти.

Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйида 200 нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланади. Тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилган бу даргоҳда болаларнинг саломатлигини тиклашлари ҳамда таълим-тарбия олиши учун барча қулайликлар яратилган. Илгари бу ерда иссиқ сув тугул, ҳатто совуқ сув таъминоти ҳам йўлга қўйилмаган, кир ювиш хоналари ачинарли аҳволда бўлган. Айтишларича, чироқ ҳам тез-тез ўчиб турарди. Энди бу ерда барча шароитлар мавжуд. Янги ошхона ишга туширилди. Ётоқхоналар янги замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Барча хоналарда телевизор бор. Ўқув хонаси, кутубхона зарур адабиётлар билан таъминланди.

Бу масканда 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар тарбияланиб уларнинг ва саломатлиги тикланади. Уларга энг аввало меҳр, яхши сўз керак. Тарбиячи ва тиббиёт ходимлари буни яхши билишади. Болаларни даволашда уларнинг меҳри-ю, қилган муолажалари, массаж, физиотерапия усуллари ҳамда спорт машғулотларидан фойдаланиш ўз самарасини кўрсатаяпти. Бу ерда кейинги пайтда Севара Абдунодиева, Шодиёна Маматқулова, Ўлмас Савриддинов, Ҳусан Йўлдошев, Зилнура Эргашева, Ойзода Аминова, Диёра Жамолова, Меҳрибон Пўлатова каби ўғил-қизлар дарддан фориғ бўлишди. Бунда Дилноза Қосимова, Зулфия Алиқулова, Лобар Ўрозова сингари қўли енгил, тажрибали, ўз касбининг моҳир устаси бўлган тиббиёт ҳамшираларининг ҳиссаси катта.

Интернат тарбияланувчилари республика миқёсида ўтказиладиган турли танлов ва тадбирларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Яқинда муассасада болажонлар иштирокида улуғ аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд санаси муносабати билан адабий кеча ташкил этилди. Мурғак кўнгилларга меҳр ва мурувват улашаётган муассаса жамоаси ҳамиша хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда.

**Машҳура МАМАНОВА,**
**Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи ходимаси.**

---

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фан доктори ва фалсафа доктори илмий даражалар берувчи илмий кенгаш филология фанлари доктори, профессор

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

---

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Андижон вилоят кенгаши ижроия қўмитаси партия фаоли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Матлубахон Ғаниевага турмуш ўртоғи

**Зафаржон ҒАНИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.





# КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ ҒАМХЎР ОПАСИ



***Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб шакллантиришда кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасасидаги тарбия муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда мактабгача таълим тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Тизимдаги ислоҳотлар самарасини амалиётга татбиқ этишда эса боғча мудиралари муҳим вазифани бажаради.***

Гулпаршин Узоқбергенова ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги педагогик фаолиятини 2000 йилдан бошлаган. Ҳозирда у пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Истиқлол юлдузчаси» номли 399-мактабгача таълим муассасасида раҳбарлик қилади.

Унинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги туфайли мазкур боғча пойтахтдаги намунали муассасалар қаторидан ўрин олган. Болажонларнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши учун барча шароит яратилган. Машғулотлар «Илк қадам» давлат ўқув дастури асосида қизиқарли тарзда ташкил этилади. «Зумрадойлар davраси», «Ёш китобхон», «Жажжи рассом», «Гимнастика», «Рақс» тўгаракларида болажонларнинг дастлабки маҳорати шакллантирилмоқда. Таълим-тарбия жараёни билан бир қаторда спорт мусобақалари, турли тадбир ва кўрик-танловларни ўтказиб боришга алоҳида аҳамият қаратилган.

– Фарзандларимиз илк ҳаётий ҳамда мустаҳкам билимини мактабгача таълим муассасасида эгаллайди, – дейди Гулпаршин Узоқбергенова. – Мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар баркамол шахсни тарбиялашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бу борада, биз соҳа ходимларидан ҳам катта масъулият талаб этилади.

Куни кеча муассасада «Беш ташаббус – беш имконият» шиори остида «Китоб бизнинг дўстимиз» мавзусида ташкил этилган тадбир ҳам тарбияланувчиларга маънавий билим бериш, уларнинг жажжи қалбида китобга меҳр уйғотиш мақсадига хизмат қилди. Буни кичкинтойларнинг тадбирдаги фаоллигида ҳам кузатиш мумкин.

**ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат**


РЕКЛАМА

**ЗАВОД «KRANTAS»**

**производит и реализует под заказ:**



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.



**O'ZBEKISTON OVOZI**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



**TAHRIR HAY'ATI:**

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Mahmud TOIR
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Shuhrat JALILOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Farrux HAMROYEV
*(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)*



**Qabulxona** — (71)233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — (71)233-12-56
**Reklama va e`lonlar uchun** — (71)233-47-80, (71)233-38-55
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.



Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 351. 2540 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:40.
Topshirilgan vaqti — 01:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Nurullo OSTONOV**
Sahifalovchi-dasturchi:
**Bekzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6